

# Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

## ШАРТНОМА

2022 й. «5» 12

589-6-89-MT/2022-сон

Чуст шаҳри

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Етказиб берувчи” деб юритилувчи **“Шуҳрат бобо таъминот”** ХК номидан иш кўрувчи Ш.Умурзоқов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Харидор” деб юритилувчи **Чуст тумани мактабгача таълим бўлими** номидан бюджет ташкилоти раҳбари **Б.Сотимов** иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 “Етказиб берувчи” мазкур шартнома бўйича “Харидор”га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат маҳсулотларини (кейинги ўринда маҳсулот деб аталади) шартноманинг 1-иловасига мувофиқ мактабгача таълим муассасалари кесимида етказиб бериш, “Харидор” эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	бирлигининг нархи (сўм)	Жами сума (КҚС сиз)
1	Сабзи (сарик)	Кг	12893	2500	32 232 500
	Жами				32 232 500

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **32 232 500** (ўттиз икки миллион икки юз ўттиз икки минг беш юз) сўмни ташкил этади.

2.2. “Бюджет ташкилоти” олинадиган маҳсулотлар учун **30** фоиз аванс тўловини олдиндан “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб ракамига ўтказиб беради.

2.3. “Етказиб берувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичida маҳсулотларни “Харидор”га ўз транспортида етказиб беради.

2.4. “Харидор” тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан кўп бўлмаган муддат ичida узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Бюджет ташкилоти” нинг ҳуқуqlari:

“Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (маҳсулот)" "Бюджет ташкилоти"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт ҳаражатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

\* мазкур шартнома шартлари бажарилмаганилиги ёки зарур даражада бажарилмаганилиги натижасида етказилган заарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

### 3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Товар (маҳсулот)"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб «Тўлаб берувчи»га тўлов ҳужжатларини тақдим қилиш.

### 3.3. "Етказиб берувчи"куйидаги хуқукларга эга:

Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган заарар қопланишини "Бюджет ташкилоти"дан талаб қилиш.

### 3.4. "Етказиб берувчи" куйидагиларга мажбур:

"Бюджет ташкилоти"га "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бюджет ташкилоти" томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш;

агар "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Бюджет ташкилоти"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текинга тузатиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишига ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Хисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳак тўлаш бўйича "Бюджет ташкилоти" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Бюджет ташкилоти"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Бюджет ташкилоти" томонидан қабул килинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" хисобига ҳак тўланади ва улар хисобига ўтказилади.

4.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Бюджет ташкилоти"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш мазкур шартномага мувоғик ёки "Бюджет ташкилоти"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Етказиб берувчи" Бюджет ташкилотиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Товар (маҳсулот)"нинг тегишли туркумларини етказиб беришининг мўлжалланаётган санасигача камидаги 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали қабул қилишда "Етказиб берувчи"нинг ходими "Бюджет ташкилоти"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганилиги тўғрисида белги кўяди.

4.9. "Бюджет ташкилоти" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Товар (маҳсулот)"нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камидаги 1 кун олдин ҳабардор қиласи.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)" сифати, микдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)"нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб қиласи ва хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Бюджет ташкилоти"га нотўғри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт<sup>4</sup>- техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Товар (маҳсулот)" қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганилиги учун "Етказиб берувчи" "Бюджет

ташкилоти"га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш кечикирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун ўз вактида ҳак тўланмагандага "Бюджет ташкилоти" "Етказиб берувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фукаролик қонунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## **VI. ФОРС - МАЖОР**

6.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни кабул килиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда ёхуд судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

8. Шартнома ҳар икки тамонлама имзолангандан сўнг ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишида бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

9.3. Ушбу шартномада кўрсатилмаган шартлар «Хўжалик субъектларининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг

тегишли моддалари талабларини ва амалдаги қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро келишувлар орқали амалга оширилади.

9.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

### ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

#### “Етказиб берувчи”

“Шухрат бобо Таъминот” ХК

Манзил: Чуст туман Бирлик МФЙ Чустий  
кўча 317 уй

X/p: 20208000405566658001

МФО: 01193 АТБ Унверсалбанк

Чуст бўлими

ИНН: 309855908



Ш.Умурзоков



#### “Харидор”

Чуст тумани мактабгача таълим  
бўлими

Манзил: Чуст шаҳар, Камарсада

МФЙ, Чарогон кўчаси, 9-уй

Тел./факс

Ш.х.в.100022860142377091100251001

Бюджетдан маблағ олувчи

СТИР: 305 151 766

Ғазначилик бўлинмаси номи

Чуст туман бўйича Ғазначилик  
бўлинмаси

Молия вазирлиги ягона ғазна  
ҳисобвараги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банк; Марказий банк Тошкент шаҳри  
ХКМ.

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси

СТИР: 201122919

Рахбар:



Б.Сотимов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

JW2441237506

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Xo‘jalik munosabatlari
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Chust tumani maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan 30.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Chust tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**U.X.MURODULLAYEV**

02.12.2022